ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИДА МИФОЛОГИК МАВЗУЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Иброҳим Абдураҳмонов
Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида культ, мифо-эпик ва фолъклор мавзулари талқинининг замонлардан ҳозирга қадар бўлган тарихий тараққиёт динамикаси илмий асосланган.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, культ, миф, эпос, фолъклор, баддий мерос, услуб, терракота, тотемизм, анимизм, фетишизм, ислом санъати.

EVOLUTION OF MYTHOLOGICAL TOPICS IN THE ART OF UZBEKISTAN

Ibrohim Abdurakhmonov
Candidate of Arts, Associate Professor

ABSTRACT

This article is scientifically based on the dynamics of historical development of the interpretation of cult, mythological-epic and folklore themes in the fine and applied arts of Uzbekistan from ancient times to the present day

Keywords: fine arts, cult, myth, epic, folklore, artistic heritage, style, terracotta, totemism, animism, fetishism, Islamic art.

КИРИШ

Ўзбекистон санъати – жаҳон бадиий маданияти тамаддунида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Юртимиз ҳудудларидан топилган санъат ёдгорликлари, ноёб тасвирлар бу борада ниҳоятда бой мерос яратилганлигини тасдиқлайди. Аждодларимиз узоқ тарихий жараёнларда культлар, мифо-эпик ва фольклорга доир тасаввурларини бадиий талқин қилишда ўз тажрибасини бойитиб келган. Натижада ўзига ҳос тасвир анъаналари шаклланган. Мазкур меросимизнинг қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар бўлган ривожланиш босқичларига назар ташлаш, ҳар бир тарихий даврга ҳос тасвирларнинг услубий ўзига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

хослигини тизимли тадқиқ этиш орқали миллий санъатимизнинг янги қирраларини назарий асослаш имконияти пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таҳлилларимиз натижалари шуни кўрсатадики, эрамиздан олдинги IV асрга қадар давом этган иптидоий даврларда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаган аҳоли аста-секин руҳий ва эстетик жиҳатдан ривожланиб борган. Реал дунёни қандайдир ғайритабиий кучлар томонидан бошқарилишига бўлган ишонч илк эъиқодий қарашларни вужудга келтирган. Бундай тасаввурлар ғорлар ва қоятошлардаги тасвирлар, лой, суяк, тош ва мармардан ишланган маиший хўжалик буюмлари ҳамда терракота ҳайкалчаларда ўз аксини топган. Улар ўзининг ташқи кўриниши, шакли, ҳажми, бадиий савияси ва ишланиш техникасига кўра бир биридан фарқланади. Дастлабки даврлардаги мавзуга оид образлар содда ва архаик шаклда ишланган бўлса-да, уларда аждодларимизнинг мифологик тафаккури турлича талқин қилинганлиги билан алоҳида илмий қийматга эга. Бир қатор ёдгорликларда дуализм, овчилик, теримчилик тотемизм, анимизм, фетишизм каби дастлабки эътиқодларга оид маросимлар тасвирланган. Турли культлар, мифологик тафаккур тизимини ўрганишда уларнинг ўрни ва илмий аҳамияти ниҳоятда беқиёс.

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати тарихида эрамиздан олдинги IV ва эрамизнинг IV асрлари муҳим аҳамиятга эга. Қадимги даврлар санъатида оташпарастлик, митраизм, эллинизм ва маҳаллий мифларга оид образлар туркуми вужудга келган. Илгари мавжуд бўлган ва турли тасаввурларга асосланган содда кўринишдаги тасвирлар шакли ва мазмунида ўзгаришлар рўй бера бошлаган. Ишланган буюмлар ва предметларда мифологик қарашлар доираси кенгайиб, жамиятда аста-секинлик билан етакчи кучга айлана бошлаганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат қадимги давр санъатининг бадиий, ғоявий ва услубий ўзига хослигини аниқлашда жудаям муҳим.

МУҲОКАМА

Қадимги даврдаги илк мифологик тасаввурлар ва қарашлар ниҳоятда содда кўринишда талқин этилган бўлиб, аксар ҳолларда маиший буюмларнинг ташқи кўринишида ифодаланган бўлса, айримлари уларнинг бадиий безагидан ёки ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангалардан ўрин олган. Ватанимиз ҳудудларида яратилган қадимги замонларга оид санъат ёдгорликларини илмий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

тадқиқ этиш асносида культлар, мифологик тасаввурлар тизими ҳар томонлама шаклланиш жараёнларини бошидан кечирганлигига амин бўлдик.

Илк ўрта асрлар Суғд ва Хоразм санъатида кандакорлик, кулолчилик, ҳайкалтарошлик ва маҳобатли деворий суратларда мавзуга оид тасвирлар ишланган. Уларнинг аксариятида афсонавий қаҳрамонлар, мифологик жонзодлар, зооморф, антроморф ва самовий мифларга оид тасвирлар турлича талқин қилинган. Туркийзабон халқлар ва суғдликлар санъати ўзаро уйғунлаша бошлаган. Эпосларда қаҳрамонлик мавзуси етакчилик қилган. Монийлик дини кенг тарқалган. Афросиёб, Варахша, эски Термиз, Болаликтепа, Далварзин, Холчаён, Ерқўрғон ва бошқа манзилгоҳлардан топилган санъат ёдгорликлари бунинг ёрқин мисолидир.

XIX-XII асрлар санъатида культлар ва мифологик мавзуларга оид ёдгорликлар талқинида янги давр бошланди. Самовий мифлар-қушлар (бургут, лочин, семурғ, товус, ғоз, кабутар, булбул, хумо), ғайритабиий жонзодлар (сфинкс, грифон, ритон, девлар, қанотли от, қанотли туя), ҳайвонлар (туя, қўй, архар, жайрон, эчки, кийик, буғу, шер, буқа), судралиб юрувчилар (илон, тошбақа, қурбақа, сичқон, типратикон) тасвирлари ҳам кенг тарқалади. Улар ишланаётган ашёси ва тасвир йўналишига кўра турли кўринишларга эга бўлди. Ушбу туркум образлар кейинчалик трансформацияга учраб, ўрта асрларда шакллана бошлаган ислом эстетикаси таъсирида янги шакл ва мазмун билан бойитилди. Ислом мафкураси таъсирида Мовароуннаҳр тасвирий санъатидаги ёдгорлик ҳайкалтарошлиги ва маҳобатли деворий суратлар аста-секин барҳам топа бошлади. Унинг ўрнини турли рамзий амалий-безакли буюмлар эгаллади. Ўрта асрларда маҳаллий эпос бирмунча ривожланди, лирик-романтик поэзиядаги мифларга оид образлар тараққий этиши билан киноя ва метафаранинг поэтик тили вужудга келди. Бир қатор мифологик образлар тасаввуф ғоялари асосида қайта мазмунлаштирилди.

Бу давр санъатининг ўзига хослигини Термизшохлар саройининг қабул зали деворидаги арка ичига бир бошли ва икки танали фантастик жонзоднинг тасвирланишинида кўриш мумкин. Самарқанд музейида фондидаги XI-XII асрларга оид бронза тагламасида икки танали мавжудод тасвири акс этишини бевосита қадимги замонларда вужудга келган эгизаклар мавзусига алоқадорлиги тахмин қилинади. Бунга мисол тариқасида афсонавий анқо қушининг иккита боши бўлганлигини, Хоразмнинг Уйгарак обидасида икки бошли от ҳайкалчаси топилиши, ўзбек фольклорида икки бошли от ва икки бошли қушларда ҳам намоён бўлишини мулоҳазаларимизни асослайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

Мавзуга оид тасвирлар бир томондан қадимги ва илк ўрта асрларда шаклланган бадиий анъаналардан озиқланган бўлса, иккинчи томондан, бевосита янги ислом эстетикаси шаклланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда вужудга келган янги бадиий услубнинг пайдо бўлишидир. Исломга қадар бўлган даврларда мавжуд бўлган туморлар, парилар, чироқдонлар, исириқдонлар ва бошқа маиший буюмлар, қушлар ва ҳайвонлар илоҳийлаштирилиб, янгича исломий мазмун билан бойитилган (Шер-Алишер, туя –Солиҳ ва ҳокозалар). Ўрта аср ислом дунёси, мусулмонликгача бўлган ривоятлар билан узвий тарзда боғлиқ бўлиб, қатор яримморфли образлар ислом даври образларига уйғунлашиб кетган. Мусулмонлик санъатида пайғамбарлар, улуғ авлиёлар, пирлар самовий рамзларга уйғунлаштирилган (кабутар-Нуҳ, чумоли-Сулаймон, туя-ҳазрат Хизр, Аль Бурок – Муҳаммад ва ҳоказолар).

НАТИЖАЛАР

Ўрта асрлар бадиий меросининг ўзига ҳослигини тадқиқ этишда “Ислом санъати” катта ўрин тутади. Айниқса, Мовароуннаҳр миниатюра санъати жаҳонда тенгсиз дурдоналар қаторида тилга олинади. Ўрта асрлар ёзма достонларда тилга олинган афсоналар воқеалари, тасаввуф тариқати, маҳаллий культлар ва эпосга асосланган лавҳалар ишланди. Бу даврда бир неча миниатюра (Хирот, Самарқанд, Бухоро, кейинчалик Шоҳруҳия) мактаблари фаолият юритган. Ўз даврининг нодир ёзма достонлари – “Шоҳнома”, “Ҳамса” афсонавий воқеалари акс этган миниатюралар ўзига хослиги билан алоҳида илмий қийматга эга.

XVIII-XX асрлар-хонликлар даврида миниатюра санъати услубий ўзгаришларга учраб, бироз замонавийлашди. Натижада ўзининг асл қиёфаси ва анъаналаридан бироз узоқлашди. Бадиий маданиятимизнинг қисмати чигал ва турлича кечди. Санъат ривожига, ундаги янги шакл ва услубларнинг пайдо бўлишига тарихий эврилишлар, жамиятда рўй берган ижтимоий-сиёсий муносабатлар улкан таъсир кўрсатди. Бу даврда мавзу асосан халқ амалий санъати намуналарининг шакли ва ташқи бадиий безагидан ўрин олди.

XX асрлардаги мустамлака ва собиқ иттифоқ даврида санъат ривожи янгиликларга бой бўлди. Гарчи, Чоризмнинг босқинчилик сиёсати тарихан қораланса-да, рус рассомлари ва ҳайкалтарошларининг миллий мавзулар ривожига қўшган ҳиссасидан кўз юмолмаймиз. Рассомлар В.Верешчагин, С.Дудин, Р.Зоммер, И.Казаков А.Тетевосян, П.Бенков, М.Курзин , Л.Буръе, ҳайкалтарош Н.П.Вишневский асарларида ислом эстетик қарашларига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

асосланувчи тасаввуфона ғоялар ўз ифодасини топди. Уларнинг ижодида маҳаллий мифлар, афсона ва ривоятларга ҳам мурожаат этилган.

Собиқ иттифоқ даврида аксарият ҳолларда ягона совет халқи санъатини яратиш мақсадида тўхтовсиз ғоявий ташвиқот ишлари олиб борилди. Қизил империя мафкурасини мадҳ этувчи сиёсий мавзуларга катта урғу берилди. Аммо улар ҳалқимиз қалбига сингмади. Қадим тарихга, бой ижодий анъанага эга бўлган мифо-эпик меросимизга баҳо беришда бир томонлама муносабатда бўлинди. Санъат асарларига синфийлик нуқтаи-назардан қараш ва баҳо бериш тамойили устунлик қилди. Айниқса, динга қарши курашувчи “атеизм” етакчи кучга айланди. Миллий мавзуларга қўл урган рассомлар ижодига паст баҳо берилди, ўринсиз танқидларга, айрим ҳолларда турли тазйиқ ва таъқиқларга учради, ҳатто сургун қилиш даражасига ҳам етиб борди. Шундай бир шароитда ҳам А.Дониш, С.Поччаев, В.Кайдалов, И.Икромов, Т.Арслонқулов, А.Николаев, Қ.Башаров, Ч.Ахмаров, М.Йўлдошев каби юзлаб ижодкорлар маҳаллий мифо-эпик мавзуларга мурожаат қилдилар.

Амалий санъат турлари намуналаридаги бадиий безакларда “қисм бутунликнинг асоси” тамойилига риоя қилинган ҳолда, жониворлар танасининг бирор қисми (боши, шохи, оёғи, қаноти, пати, тумшуғи) нинг рамзий тасвирини тушириш орқали бадиий яхлитликка эришилган. Бундай безаклар баъзан якка, айрим ҳолларда жуфт ёки доимий такрорланувчи нақш элементи сифатида кенг қўлланилган.

Бундай ноўрин ҳаракатларга XX асрнинг саксонинчи йилларидаги маънавий ўзгаришлар, қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати туфайли бироз барҳам берилди. Айниқса, Собиқ иттифоқнинг парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши туфайли миллий санъатимизга бўлган салбий муносабатлар ва асоссиз аралашувлар батамом тугатилди. Мустақиллик даврида чинакамига миллий, аждодларимиз томонидан яратилган афсонавий ва мифо-эпик мавзулар акс этган, бадиий жиҳатдан мукаммал, мазмунан теран асарлар яратила бошланди.

Истиқлол туфайли анъанавий санъатнинг кўп асрлик йилномасида янги саҳифа очилди. Халқимизнинг бебаҳо бадиий маданиятига холисона баҳо берила бошланди, Миллий ўзига ҳосликни очиб бериш, бунинг учун халқимиз асл қадриятларини ўзида жамлаган тасаввуф фалсафасига мурожаат этилди. Бу эса санъатшунослар олдига янги вазифаларни қўйилди. Натижада мазкур мавзуларга ҳам эътибор кучайиб, уларнинг асл моҳиятини ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида культлар, мифо-эпик ва фольклор мавзулари талқинини назарий жиҳатдан ўрганишда асосан учта фан хулосаларига таянилди. Қадимшунослар томонидан олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида қўлга киритилган мавзуга оид санъат намуналари юзасидан билдирилган илмий мулоҳазалар, фольклоршунос олимларнинг мавзуга доир айрим масалаларни турли аспектларда ўрганишга бағишланган тадқиқотлари ва улардан келиб чиқадиган назарий хулосалар таҳлил қилинди. Улардан фарқли равишда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати тарихи ва назариясини тадқиқ этилган санъатшуносликка доир тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқадиган илмий хулосалар асос қилиб олинди.

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида мазкур мавзуларнинг назарий асосларини яратишда уларни мазмунан ҳар томонлама тур ва туркумларга ажратиб таснифлаш масалаларига тизимли асосда хронологик тарзда ёндошилди. Бу ўз навбатида ўрганилаётган ҳар бир давр санъатидаги тасвирий услубининг ўзига ҳослигини тадқиқ этишни енгиллаштиради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида мавзуга оид тасвирлар турли рамз ва тимсолларга асосланган. Уларни ҳар томонлама илмий ўрганиш, таҳлил қилиш орқали тасвирлар моҳиятини англаш мумкин. Негаки, улардаги мотив ва образлар шунчаки бадиий тўқима бўлмасдан, этнографик-археологик асосга эгалиги билан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Санъатнинг тарихий тараққиёт эволюцияси жараёнларини тадқиқ этишда мазкур мавзулар алоҳида илмий қийматга эга.

Юқоридаги хулосалар ва мавзунинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб, истиқболда қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим деб биламиз.

Маълумки, қадимги даврларда ватанимиз ҳудудларида эллинлар ва эллинлаштирилган санъат ҳамда маҳаллий мифларга оид кўплаб тасвирлар яратилган. Бу анъана ҳозирда ҳам давом этиб келади. Бир қатор рассомларимиз “Европанинг ўғирланилиши”, “Музалар”, “Кентавр”, “Анахита”, “Зардўшт” ва бошқа қатор мавзуларда турли ракурс ва бадиий ечимларда талқин қилинган рангтасвир асарларини яратишмоқда. Эндиликда уларга ғамхўрлик қилиш, ижодкорларни муносиб тақдирлаш мақсадида алоҳида кўргазмалар ташкил этишга зарурат борлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

Ўзбекистон Бадиий Академияси тизимидаги кўргазма залларида ислом фалсафасини ўзида мужассамлаштирган ва тасаввуф тариқатининг асосий масалалари ифодаланган рангтасвир асарлари кўргазмаси илк бор 2019 йил май ойида “Тасаввуф ва тасвир” номи остида ташкил этилган эди. Эндиликда унинг савияси ва кўламини ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар, Ислом цивилизацияси маркази, Тошкент Ислом Университети билан ўзаро ҳамкорликда ҳар икки йилда бир маротаба ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. Бундай ғояни амалга ошириш учун алоҳида лойиҳа концепцияси, низоми ва асосий талабларини ишлаб чиқиш зарур. Шундагина уларни саралаш, илмий асослаш, бу борада эришилган ютуқлар ва бартараф этиш лозим бўлган камчиликларни муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлади

Халқимизнинг эпик мероси ниҳоятда қадимий ва бетакрор. Шундай экан, рассомлар ва ҳайкалтарошлар учун ҳар баҳорда бир маротаба ўтказилаётган “Тасвирий санъат фестивали” доирасида ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси–оғзаки достонларимиз воқеалари акс эттирилган асарлар кўргазмасини Ўзбекистон фанлар академияси А.Навоий номидаги Адабиёт институти билан ҳамкорликда ўтказишни ўйлаб кўриш вақти келди. Бу жараёнда ёш олимларнинг “Тасвир ва эпос” мавзусидаги Республика конференцияси ташкил этилса, тадбирнинг илмий аҳамияти янада ошган бўларди.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди туганмас хазина. Унинг ёрқин намунаси-азалдан донишмандлик ва ҳозиржавоблик тимсоли бўлмиш Насриддин Афанди латифаларида ўз аксини топган. Ҳалқимизда самимий ва беғараз кулги ниҳоятда қадрланади. Шундай экан ҳар йили апрел ойида “Тасвирларда Хўжа Насриддин латифалари” мавзусидаги ҳажвий асарлар кўргазмасини “Муштум” журнали таҳририяти билан биргаликда ўтказиш лойиҳаси соҳа ривожи учун яхши самара бериши шубҳасиз.

Соҳани ривожлантиришда бевосита ўқув – услубий жараённинг алоҳида ўрни бор. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти бакалавриат босқичи санъатшунослик ва рангтасвир таълим йўналишлари ўқув режасига “Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар” фани киритилган. Аммо тадқиқотимиз натижалари мавкур мавзунинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб, амалий санъат соҳаларида таҳсил олувчи талабалар учун ҳам зарурлигига амин бўлдик. Эндиликда фаннинг номини “Тасвирий ва амалий санъатда мифологик мавзулар талқини” деб қайта номлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шундагина талабаларга соҳага оид масалаларни ҳар томонлама тўлиқ етказиш имконияти пайдо бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

Мавзуга оид манбалар, маъумотлар кўлами ниҳоятда кенг. Халқимизни ушбу меросдан баҳраманд қилиш қилиш учун ҳар бир даврга оид санъат ёдгорликларининг энг муҳимлари асосида “Ўзбекистон тарихи” телеканалида махсус кўрсатувлар тайёрлашни йўлга қўйишга зарурат бор. Агар ушбу лойиҳа ўзбек ва рус тилларида амалга оширилса, кўрсатувнинг савияси ва ҳалқаро нуфузи янада ошган бўларди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд.

REFERENCES

1. Ibragim Abdurahmonov. (2018). Reflection of Written Dastans in Maveraunnahr Miniature (Xiv – Xvii Centuries). International Journal of Research, 5 (23), 425-432.
2. Ibrohim Abdurakhmonov. (2018) Painter of Folk Poems. San`at, №2, 31-35.
3. Ibrohim Rahimovich Abdurahmonov. (2020). Concept of mythology represented in fine arts of Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9 (10), 143-147.
4. Ibrokhim Abdurakhmanov.(2019). Specific peculiarities and value of legendary themes in the practical apply art. Culture and Arts of Central Asia, 10 (1), 59-63.
5. Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ. (2019). Амалий безак санъатида афсонавий мавзуларнинг аҳамияти ва ўзига ҳослиги (қисм бутунликнинг ифодаси сифатида).ЎзДСМИ хабарлари. № 2, 59-63.
6. Абдураҳмонов И.Р. (2019). Ўзбекистон санъатида диний-мифологик мавзуларнинг ўрганилиши (Академик А.Ҳакимов илмий мероси мисолида).-ЎзДСМИ хабарлари, № 4, 39-42.
7. Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ. (2020) Истиқлол даври ҳайкалтарошлигида афсона ва ривоятлар талқини. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотномаси. №2. 41-46.
8. Ibrokhim Rakhimovich Abdurakhmonov. (2021). Reflection Of Folklore In Applied Art Of Uzbekistan (From The Beginning Of The XX Century To The 90s). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(2), 166-171.
9. Kukiev, B., O‘g‘li, N. N. & Shaydulloyevich, B. Q. (2019). Technology for creating images in autocad. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7 (12), 49-54.
10. Achilov Nurbek Norboy o‘g‘li (2020). Pedagogical and psychological fundamentals of formation of space imagination and creative ability in students. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (4), Part II, 38-40.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00431

11. Achilov Nurbek Norboy o‘g‘li (2020). The use and importance of the three-dimensional features of the auto cad program in drawing projects in public schools. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (3) Part II, 189-192.
12. Achilov N.N. Develop students' spatial imagination by making simple cuts in drawing. Муғаллим ҳәм үзлуксиз билимлендириў илимийметодикалық журнали №2 2020 ISSN 2181-7138
13. Xalimov Moxir Karimovich, Achilov Nurbek Norboy o‘g‘li, Bekqulov Qudrat Shaydulloyevich, Xo‘jaqulov Elbek Ermatovich, Ko‘kiyev Boburmirzo Baxodir o‘g‘li. (2020). Chizmachilik va chizma geometriya fanlarida burchak topishning bazi usullari. ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ журнали. 4(1), 47-52.